

*Қадим илмлар зиёси*

# ҲИКМАТЛИ ШЕЪР ВА СЕҲРЛИ БАЁН

Убай ибн Каъб ривоят қилади: Расулуллоҳ (С.А.В) дедилар: Баъзан шеър ҳикматли бўлади.

Ибн Умар ривоят қилади: икки киши Машриқ томондан келиб (одамларга) маъруза қилганларида, кишилар уларнинг сўзларини ёқтириб, ҳайратландилар. Ўшанда Расулуллоҳ «баъзан баён сеҳрли бўлади» дедилар.

Еттинчи аср аввалари, Қуръони карим буюк тангри томонидан унинг сўнгги элчиси ҳазрат Муҳаммад (С.А.В) га юбориладиган чоғлар, арабларда шеър ва адабиёт тараққиёти юксак поғоналарга кўтарилган, Саҳбон каби машҳур ҳатиб ва фасоҳат тимсоли, «Сабъаи муаллáка» (еттита Каъба деворларига осилган шоҳ асар қасидалар) муаллифлари каби йирик адиб ва шоирлар етишиб чиққан давр эди.

Ўшанда Қуръон оятлари ўзининг мустаҳкам таркиби, маънавий кучи, мўъжизали услуби, ҳикматли иборалари, ёқимли қиссалари ва чиройли образлари билан барчани ҳайратда қолдириб, араб дунёсининг буюк шоирларини тиз чўкишга мажбур қилган эди.

Қуръонда баъзан аруз вазнларига тенг келадиган иборалар, масалан, «лан танолул — бирра ҳатто тунфиқу миммо туҳиббун» каби қисқа оятлар ва жумлалар мавжуд бўлса ҳам, олимлар иттифоқ билан Қуръон шеър эмас, деб айтганлар, Қуръон оятларидан бирида ҳам бу нукта таъкидланган.

Қуръони карим сураларидан бири «суратуш-шуаро» (шоирлар сураси) деб аталган бўлса ҳам, унинг 24-оятида «шоирларга йўлдан озган кишилар эргашадилар» деб айтилган. Лекин барча олимлар тан олишларича, ушбу оят ислом динини инкор қилиб, унга ва унинг асосчиси ҳазрат Муҳаммад (С.А.В) га қарши туриб, ўз ҳажвий шеърлари ва қасидалари билан мусулмонлар руҳиятини тушириб, ушбу муқаддас ва илоҳий динни қоралашга уринган шоирларга қаратилган эди. Негаки, мазкур суранинг 27-оятида иймон келтириб, яхши амаллар қилган ва ҳар доим Аллоҳ ёди билан бўлган кишилар, шоирлар мазкур ҳукмдан (гумроҳликдан) истисно қилинади.

Имом Бухорий ўз китобида ривоят қилган юқоридаги икки ҳадисдан, сўз — шеър ва баён мақоми қанча юксак эканлиги яққол кўриниб туради.

Илм, баён ва шеър воситаси бўлмиш «қалам» Қуръонда ардоқланиб, 68-сура «Суратул-қалам» деб аталган. Қуръони каримнинг ўзи ундаги мусажжаъ иборалар, уйғун ва ҳамоҳанг жумлалар, Мажозий ифодалар, турли-туман лафзий ва маънавий бадиий санъатлар ва гўзал баён услублари билан тўлиб-тошган оятлари орқали, шеърдан устун турадиган бир мўъжизадир.

Ҳазрат Муҳаммад (С.А.В) бир томондан исломга яъни ҳақиқат ва адолатга қарши, душманлар томонидан ёзилган қасидалар ва шеърларни қоралаган бўлса, иккинчи томондан воқеликни ифода қилувчи, адолат тантанасини кўрсатувчи, олий фазилатларни талқин этувчи ҳикматли шеърларни ёқтириб, ҳар доим чексиз қизиқиш билан бу каби шеърларни тинглаб ва таҳсинлаб келганлар. Масалан, Саҳиҳ Муслимда келганидек, Амр ибн Шурайд ривоятига кўра, отаси унга бундай деган экан: Бир куни Расулуллоҳ билан биргаликда кетаётганимда мендан «Умайя ибн Салт шеърларидан бирон нарсани биласанми?» — деб сўраганларида, мен «ҳа» дедим, «ўқигин»дедилар. Мен бир байтни ўқиб бердим. «Яна ўқи» — дедилар. Яна бир байт ўқидим. «Ҳи-ҳи, яна ўқи!» — дедилар. Шундай қилиб, мен (унинг шеърларидан) юз байтни ўқиб бердим.

Қизиғи шундаким, Умайя ибн Салт жоҳилият даврининг шоирларидан бўлиб, мусулмон бўлиш имкониятига эга бўлмаган эди.

Шунингдек, Абу Ҳурайра ривоятига биноан, Расулуллоҳ (С.А.В) Лабийднинг — алокуллу шайин моҳалаллоҳа ботилун — яъни Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса ботил, асоссиздур деган шеъри, шоир айтган энг тўғри — ҳақ сўздур», деган эдилар.

Лабийд жоҳилият даврининг шоири бўлса ҳам, кейинроқ ислом динини қабул қилиб, Қуръон менинг учун етарлидур деб, шеър ёзмай қўйди.

Ҳазрат Муҳаммад ҳар доим «шоируннабий» (пайғамбарнинг шоири) деб лақабланган Ҳассон ибн Собит Хазрамий (вафоти 54 ҳ.қ.й 674 м.)ни, ҳақиқатнинг ашаддий душмани бўлмиш мушрикларга қарши, сўз қуролини ишлатишга тарғиб қилардилар. Масалан, Бароъ ривоятига кўра, Баний Курайза уруши кунида Ҳассон ибн Собитга қараб, «Мушрикларни ҳажв қилгин, Жаброил сен биландур» дедилар. Ҳазрати расул ҳар доим Ҳассон ҳақида: «Илоҳий, менинг тилагимни қабул айлаб, уни Руҳулқуддус (Жаброил) билан қўллаб-қувватлагин» деб дуо қилардилар.

Ҳассон Исломда биринчи бўлиб диний шеър ёзган шоир эди. Унинг шеърлари ислом тарихининг биринчи босқичи учун катта ва муҳим тарихий манба ҳисобланади. Унинг шеърлар девони неча марта нашр қилиниб, энг яхшиси 1901 йилдаги Лондон нашри ҳисобланади.

Сўз мўъжизасини ниҳоят ёқтирган буюк Тангри элчисининг ҳадислари хитобалари шундай гўзал иборалар, бир-бирига мутаносиб ва уйғун тушган калималар ва табиий ифода санъатларидан таркиб топганким, уларни ўқиган киши чуқур мазмунини англаб қониққан ҳолда, қандайдир бир икстатик туйғуларга берилиб, ажойиб маънавий лаззат сезади. Ул зоти бабаракат ҳақиқатсевар ва халқпарвар шоирлар ҳомийси сифатида, ҳатто ўзларига қарши шеър ёзган кишилар учун ҳам кечиримли бўлиб, уларни ташвийқ ва тарғиб этиб келганлар. Биз бу ўринда «Бонат суоду» қасидаси ҳақидаги ажойиб можарони келтирмоқчимиз.

Каъб ибн Зуҳайр ибн Абисалмо «Муҳазрамий», яъни ҳам жоҳилият ва ҳам ислом даврларида яшаб ижод этган шоирлардан бири эди. Унинг акаси Бухайр (жубайр) иймон келтириб, ислом динини қабул қилганда Каъб уни маломат қилиб, ҳазрат Муҳаммад ва ислом динига қарши туриб ҳажвий шеър ёзган эди. У кейинроқ ўз қилмишидан пушаймон бўлди. Акаси маслаҳатига кўра, ҳазрат Расули акрам ҳузурига бориб, «Бонат Суоду» номи билан катта шуҳрат қозонган ўз қасидасини (630 мй) Мадина масжидида он ҳазрат ҳузурида ўқиб, узр сўраган эди.

Каъб ибн Зуҳайрнинг ушбу қасидаси 57 байтдан иборат бўлиб, биринчи қисми ташбийб ва тағаззул (қасиданинг бошланғич қисмида севги-муҳаббат ва ёшлик ҳақида бир неча байт ёзгандан кейин, асл мақсадга ўтиш)дан иборат бўлиб, араб шеъриятида бундан 1368 йил муқаддам ёзилган гўзал лирикалардан ҳисобланади.

Шоир ташбийбдан кейин ҳазрат пайғамбар мадҳига ўтиб, унинг набийлик олий фазилатлари, юксак ахлоқий сажияларини васф этиб, ислом динининг мақоми ва аҳамиятини кўрсатади.

Ҳазрат пайғамбар ҳузурида ўқилган қасиданинг ташбийбидаги ўхшатишлар, маъшуқа гўзаллигини ифодаловчи образлар, севги-муҳаббат ҳис-ҳаяжони, соғиниш ва фироқ дардининг инъикоси, ул зотга манзур бўлиб, ўз елкаларидан бурда (кенг Либос)ларини олиб унга туҳфа қилганлари шуни кўрсатадиким, шеър инсон табиати, ҳаёт талабидан келиб чиққани учун, ҳар бир шахс ва ҳар бир инсоний жамият учун инкор этиб бўлмайдиган зарурат ҳисобланади.

Биз баҳсимизни «Бонат Суоду» яъни Суод ажралди номли қасида ташбийбининг бир неча байти таржимаси билан тугатамиз:

— **Суод, мендан ажралиши билан бугун кўнглим телбалигини оширди, қалбим унинг муҳаббати занжиридан қутула олмай, дардмандалик билан изидан бормоқда — ажралиш чоғи — фироқ тонгида, Суод сурмали кўзлари билан ҳаёдан ерга қараб турарди, ва гўзал кийикларга ўхшарди.**

— **У қайтишда ёқимли, кетишда ингичка ва ларзон бели билан жозибали, уйғун ва келишган бўйи билан мафтункор.**

Ундан кейин шоир ҳазрат Расул мадҳига ўтиб бундай деди:

— **Ҳақ элчиси яратувчининг қиличларидан шундоқ бир яланғоч нурли қиличким, ўз порлаши билан ҳидоят йўлини ёритиб туради.**

**Абдулҳаким ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ**



ТАЖАЛЛИ.

Муҳаммад АВФИЙ

# ДОНО ХОТИННИНГ ТАДБИРИ



Ниҳоятда латиф ва гўзал бир йигит бор эди. Унинг ғоятда зукко хотини бор эди. Хотин доимо эрига: «Мабодо, шайтон васваса қилиб, эплай олсанг, бировга ишқибозлик қилгин. Агар тутилиб қолсанг, зинҳор тезлик билан менга хабар қил. Токи бирор чора-тадбир ўйлаб топай ва сени бу андишадан чиқарай», дерди.

Кунларнинг бирида йигит подшоҳнинг хос канизакларидан бири билан султоннинг боғида суҳбат қурарди. Шароб ва мевалар муҳайё бўлиб, висол онлари яқин эди. Подшоҳнинг хос ҳожибларидан бирининг назари ушбу канизакка тушиб, унинг ҳирсини қўзғатган эди. Аммо канизак уни ёқтирмас эди. Ҳожиб эса доим унинг изидан юриб, таъқиб қиларди.

Ниҳоят, ҳожибга подшоҳнинг канизаги бегона йигит билан шоҳ боғида суҳбат қурди, деб хабар етди. Ҳожиб ўзи билан бирга бир неча хизматкорларни олиб келди ва йигит билан канизакни ушлаб подшоҳнинг зиндонига олиб кетди ва зиндонбон қўлига топширди. Тонг отгач, подшоҳ ҳузурига арз қилиб бормоқ ва унинг фармонига мувофиқ иш қилмоқни ўз олдига мақсад қилиб, ҳожиб уйига қайтиб кетди.

Йигит ўзини бало домида кўрди. Боғбоннинг шогирдини ўз уйига жўнатиб, ўз аҳволидан хотинига хабар етказди. Хотин дарров бир товоқ ҳолва пишириб, устига балиқ ва бир неча нон қўйди. Чодирасини ёпиниб, зиндон олдига келиб, зиндонбонга деди: «Менинг бошимга бир иш тушди. Зиндондагиларга ҳолва ва таом беришни ният қилган эдим. Агар сен бу хайрли ниятга хайриҳоҳ бўлсанг ва эшикни очсанг, бу таомни уларнинг олдига қўйсам. Сенга хизмат ҳақини берсам, шояд худойи таоло лутф қилса ва мен ўз назримнинг уддасидан чиқсам».

Зиндонбон зиндон эшигини очди. Хотин зиндонга кирди. У таомни зиндондагиларнинг олдига қўйди. Ўз чодирасини мазкур канизакка бериб деди: «Чодирани ёпиниб ташқарига чиқиб кетавер. Агар зиндонбон сендан таомни маҳбусларга бердингми? — деб сўраса, — бердим, — деб жавоб бер».

Шундан сўнг канизак чодирани бошига ёпиниб, бўш товоқни бошига қўйиб, эшик томон юрди ва саломат чи-

*Нодир воқеалар*

қиб кетди.

Эртаси куни ҳожиб подшоҳнинг ҳузурида арз қилди: «Кеча тунда фалон канизакни боғда номаҳрам бегона йигит билан қўлга туширдим ва зиндонга солдим».

Подшоҳнинг рашк ўти аланга олиб, тахтни майдон ўртасига қўйиб, жазо қуролларини муҳайё қилишни буюрди. Шундан сўнг, йигит билан хотинни қўриқлаб келтиришларини буюрди. Ниҳоят, йигит подшоҳ олдига келган эди, подшоҳ унга: «Бизнинг ҳарамимизга ибосизларча қадам қўйиб киришга қандай ҳаққинг бор», деб бақирди. «Эй шоҳим, бу ишда айб хотинимдадир. У доим менга, подшоҳнинг боғига бориб томошо қилайлик, дерди. Боғбон бизга дўст эди. Шундай бўлса ҳам мен унга, яхши эмас, бизнинг подшоҳ боғига боришимиз одобдан эмас, дердим. Хотиним менинг сўзимни эътиборга олмади. Мана энди подшоҳнинг қаҳру ғазабига гирифтор бўлиб турибман», деди йигит.

Подшоҳ йигит ёнидаги хотинига яхшироқ боқиб кўрдики, канизак эмас, балки йигитнинг хотини экан. Подшоҳ жуда қаттиқ ранжиди ва халойиқ ўртасида ҳожибга минг қамчи уришни буюрди. Йигит билан хотинидан узр сўради ва: «Менинг боғим сизларникидир, қачон хоҳласангиз, ўша пайтда келиб томошо қилинглар», деб фармон берди.

Йигитнинг балодан қутулиб қолишига сабабчи хотинининг ақл ва идроки эди. Агар хотин ғайрат қилмаганда эди, йигит ғазабга учраб ҳалок бўларди. Бундан маълум бўладики, оқила хотиннинг фикридан кўра эзгулироқ истеъдод йўқ.

**Турғун ФАЙЗИЕВ таржимаси**

*Дунё кўриб дунёлар ярат*

# ГУЛЗОРА ДУНЁГА ЧИҚАДИ



Бу кўҳна дунё сирларини не-не олиму донишмандлар ўрганишга, кашф қилишга уринди. Бу уринишлар жараёнида ноёб кашфиётлар қилинди. Лекин инсоният яратилган кашфиётлар билан тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, булар келгусидаги изланишлар учун пойдевор вазифасини ўтади. Ҳа, дунё чексиз, инсон умри чекланган. Шу қисқа давр ичида инсон дунёни англашга, идрок этишга ва ўзи «дунё» яратишга уриниши лозим. Буюк Яратувчидан биз инсонларга яратувчанлик инъом қилинган. Ҳа, дунё кўриб дунёлар ярат.

Санъат олами, мўъжизавий олам. Унга мурожаат қилган одам санъатнинг «сеҳру-жодусига» сеҳрланиб қолар экан. мен ҳам худди шу ҳолатга тушдим. Қўлимга мўйқалам ушлаб бирор-бир тасвир ярата олмасам-да, кўнглим бу тасвирий оламдаги ғайритабиийликка интиқ... Ҳар сафар янги ижодкорни ўзим учун янгидан кашф қиламан. Унинг ихлосмандига айланаман. Бетакрор мўйқалам соҳибаси, 90-йиллар тасвирий санъати мактабининг ёркин истеъдоди, мусаввири Гулзора Султонова ижоди серқирралилиги ва юксак профессионализми билан алоҳида мавқега эга.

Мусаввира билан илк танишувдаёқ уни негадир синчалакка ўхшатдим. Бу бежиз эмас экан. Нозиккина жуссаси билан ҳақиқатдан ҳам бир дунёнинг ишларини амалга оширишга қодир. Дилкаш, самимий, тиниб-тинчимас ижодкор. Саранжом — саришта хонадон. Бир қарашдаёқ буюмларининг дид билан жойлаштирилганини сезиш мумкин. Гулзора опа чой тайёрлаш тараддудига тушиб кетди. Хонадаги токчаларда ўнлаб лойдан, шамотдан ишланган шакллар. Миллий услубдаги қўғирчоқлар. Деворда турли ҳажмдаги расмлар. Миниатюралар, монотиплар. Ҳамма ишларда профессионализм кузатилади. Ҳар бири ўзига хос санъат асари.

Бу асарлар орқали рассом характерини топишга ҳаракат қиламан. Уларда жимжимадорлик кучли. Асарларда юмористик кайфият акс эттирилган.

«Келин ўғирлаш» деб номланган асарнинг номиёқ сизда табассум уйғотади. Келин эшак устида куёвни ўғирлаб кетаяпти. Назаримда ёр-ёр куйланилаётгандек. Ёки мана бу шаклга эътибор беринг: дарахт устида ошиқ маъшуқа ойнасига боқиб дардли қўшиқ куйлаяпти. Романтик кайфият. Мана бу шаклда хўроз уриштиришга бораётган чол образи. Маълумки, лойда ишлаш жараёни жуда эпчилликни, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишни талаб қилади. Шакллардаги нақшнинг, чизгининг кўплигини кўриб, ижодкорнинг нақадар чаққонлигини ҳис қилдим.

Деворда миниатюра услубида ишланган асарлар ҳам осиғлиқ. Миниатюранинг ғайритабиийлиги мени ҳайратга солди. Диққат билан кузатиб бу асарда бугунги қовун-тарвуз бозори акс этганлигини кузатиш мумкин, Фарғона бозорларидан бири. Бозор ғовур-ғувури қулоғингизга чалингандек бўлади. Мана бу миниатюрада тўй бўлаётган ҳовли акс этган. Қозонларда ош тайёрланаяпти. Ҳали замон келин келадигандек.

Мусаввира бадиий графикада ҳам самарали ижод қилади. Бу ижодкор ижодининг яна бир сержило қирраси. График ишларда фалсафий мушоҳада кучли. «Ажр» деб номланган асарда рассом борлиқ ҳақида фалсафа сўйлайди. Дунё чархпалак. Инсон умри чархпалакнинг бир айланишида оқиб ўтадиган сувдек шиддатли.

«Илҳом фариштаси» рассом тафаккури меваси. Асарда ашъор битаётган Умар Ҳайём ундан илҳом олаётган ижод фариштаси.

«Тажалли» асарида ҳам фалсафий мазмун ўз ифодасини топган. Гулзора Султонова ишларини турли талқинларда шарҳлаш мумкин. Фалсафий, дунёвий, тасаввуфий. Уни тушуниш, идрок этиш томошабин тафаккур тарзига боғлиқ.

Мусаввира ижодининг йўналиши турлича. Кичик скулптура ишларини кўриб, рассомнинг асосий ижод йўналиши шу бўлса керак деб ўйлаб қоласиз.

«Қиз орзуси» деб номланган скулптурада қиз болага хос нафислик кучли. Тошдан ўта маҳорат билан ишланган. Гулзора Султонованинг ҳар бир ишга дадиллик ва ишонч билан ёндошиши кўриниб турибди.

Мўъжаз дастурхон устида мусаввира билан суҳбатлашишга киришаман.

— **Гулзора опа, санъат олами илоҳийликка дахлдор. Санъаткорга талант Оллоҳ томонидан инъом қилинади. Назаримда сиз тасвирий олам билан уйғунлашган ҳолда яшайсиз...**

— Мен қачон қўлимга мўйқалам олиб расм чизганимни эслолмайман. Қўлимга қалам тутганимда ҳали тилим чиқмаган эди. Рассомлик менга отамдан ўтган. У киши туғма ҳаттот эдилар. Бирор жойда ўқимаганлар. Қўлимга қалам тутган биринчи устозим отам. Эсимда, уйимизга меҳмон келган кунларнинг бирида мен отамга чизган расмимни олиб чиқдим. Адашмасам, бу гилоснинг расми эди. Отам ҳайратланиб: «Одам боласи ҳам шунчалик ғайритабиий бўладими? Жуда ўхшатибди» деб, меҳмонларга мақтаган эдилар. бу воқеа бир умр кўз ўнгимда туради, менга ишонч ва дадиллик бағишлайди. Мактаб даврида ҳам жуда кўп расмлар чизардим. «Шоҳсанам ва Ғариб» достонини жуда яхши кўриб ўқийман. Достон асосида расмлар ишлаб, яқинларимга совға қилардим. Саккизинчи синфни тугатиб, Педагогика билим юртига кирдим. У ерни тугатгач, мактабимга қайтиб келиб болаларга расм ва чизмачиликдан дарс бера бошладим. Болаларга боримни берардим. Лекин ижод, тасвирий олам мени ҳеч тинч қўймасди. Островский номидаги театр ва рассомлик институтига икки йил имтиҳон топшириб, йиқилганман. Шунда мен ўзимда етарли академ билим йўқлигини сездим. Жиддий ва ихлос билан тайёрланиб, ўқишга кирдим. Ўқиш жараёни менга кўп нарса берди. Ҳозир ўйлаб кўрсам, институт мени рамкага солиб қўйган экан. Менинг табиатим эркинликка, фавқулодда янги бир нарса яратишга мойил. Ранг-тасвир ижодимнинг ўзаги. Шу соҳада ижод қила бошладим. Лена исмли дугонам майда пластика билан ишлаб кўришни маслаҳат қилди. Ва бир бўлак хом ашёни қўлимга тутқазди. Ишонасизми, умуман янги оламни кашф қилганман. Кичкина, жуда кичкина шаклларни ясаганман. Ҳайратга тушганман. Ҳар сафар асарни тугатганда янгидан ўзимни топаман. Санъат, тасвирий санъат ҳаётим билан чамбарчас боғланиб кетган.





**Ушбу саҳифани безашда Гулзора Султонова асарларидан фойдаланилди.**

— **Тасвирий санъатда ўз йўлингизни топдим деб ўйлайсизми? Изланиш табиатингизга хос жараёнми?**

— Изланиш ижодимнинг бош мезони. Мен ҳали изланишдаман. Дилимдаги орзуларим амалга ошиши учун изланишим, яратишим, меҳнат қилишим шарт. Мармарда, заргарликда ишлаш ниятим бор. Ўз йўлим, ўз услубимга келсак, бунга санъатшунослар, рассомлар баҳо берсин. Бир нарсадан хурсанд бўлардимки, графикада ишлайдиганлар, керамика усталари, ҳайкалтарошлар ишларимни тан олишса, яхши баҳо беришса, бу мен учун катта муваффақият бўларди. Яратган янги асаримдан роҳатланиш бахт. Эсимда тошдан биринчи марта филча ясаганимда хурсандлигимдан боладек қувонганман.

— **Сиз ўзингизни табиатнинг нозик бир бўлаги аёл сезасизми, ёки ижодкор?**

— Мен рассомман. Ижодкорман. Гўзалликка интиламан, излайман, яратаман. Ижодкорнинг жинси бўлмаса керак.

— **Асарингиз қандай туғилади, ижод жараёнингиз ҳақида гапириб берсангиз?**

— Пикассодан яратаётган асарингиз қандай чиқишини биласизми деб сўрашганда, у билсам бу ишга қўл урмасдим деб айтган экан. Менда ҳам бевосита иш жараёнида ғоя туғилади. Қўлингиздаги хом ашё сизга маълум ҳукмронлигини ўтказади. Дейлик, фил ясамоқчиман, лойни эзғилай бошлайман. Лойнинг хусусиятига эътибор бераман. Ёки фарфор, ўта инжиқ материал. Қўлингиздаги материалнинг қонуниятига бир қадар бўйсуниш лозим.

— **Дўстларингиз борми?**

— Ҳамма дўстларим санъат



кишилари. Асосан рассомлар. Уларнинг ижодини кузатаман. Бугунги кунда Тошкентда яшаб ижод қилаётган тўртга аёл билан биргаликда ижодий гуруҳ тузганмиз. Гулсара Ражапова Ўзбекистонда ягона ҳайкалтарош аёл, Шаҳноза Мўминова форфорда ижод қилади, Шаҳноза Абдуллаева истеъдодли рассом. Галия Абдураҳмонова моҳир рассом, санъатшунос. Биз бир-биримизга ёрдам берамиз. Орзуларимиз, интилишларимиз ўхшаш.

— **Гулзора опа, суҳбатингиз учун раҳмат. Муштарийлар номидан сизга соғлик ва ижодий баркамоллик тилайман.**

**Мусаввира ҳузуридан қайтар эканман, миллий тасвирий санъат осмонида янги нурли юлдуз пайдо бўлганини дил-дилдан ҳис қилдим. Гулзора Султонова фидоий ижодкор. Зеро, фидойилик санъатга жуда ярашади.**

**Дилфуза КАМОЛ**

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0520.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.50

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Шерали НИШОНОВ.*